



1898 йил: Дукчи Эшон кўзголони

tavorix
ISLAMONLINE.UZ

Пахтачиликнинг ривожланиши, ўлканинг Россиянинг хомашё манбаи ва тайёр махсулотлар бозорига айланиши айникса Фаргона вилоятида халкни хар жихатдан огир ахволга солиб қўйди. Булар хакида аввалги саҳифаларда келтирилган маълумотлар ҳам далолат бериб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўзгонларда рухоний ва бошқа юкори табакалар вакиллари катнашдилар ва хайрихоҳлик билдирдилар. Бу табиий хол эди, албатта. Чунки ўлкада миллий давлатнинг тугатилиши, бойликларнинг бегоналар қўлига ўтиши ҳамда гайридинларнинг зўравонлиги маҳаллий табака доиралари норозилигини уйготмасдан қўймасди.

Бундан чор ҳукуматига зур бериб хизмат килаётган бир гуруҳ кимсапар мустаснодир. Рус ҳукумати даврида олий ва урта ҳокимият лавозимларидан, бойликлардан маҳрум этилган ҳамда ўз ватанига содик кишилар чет эл ҳукмронлигига қарши курашнинг тарафдорлари сифатида майдонга чиқдилар. Фаргона вилоятининг харбий губернатори Чайковский водийдаги вазиятни шундай таърифлаган: «Буйсундирилганига қадар Фаргона мус-такил давлат ҳисобланиб, ўзининг тарихи, ҳукмрон синфи ва бошқарув тузумига эга эди. Уларнинг йўқолганига ҳали чорак аср, янги шароитга мослашиш учун эса бир қшиининг умри ўтгани йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табакаларнинг оддий кишиларга айланиш жараени жуда қийин ва аламли кечмокца. Шунинг учун тасодифий ходисаларнинг юзага келишини назарда тутган холда, туб аҳолини каттик назорат остида тутиб туриш ҳали узок давом этади. Айникса, мусулмон рухонийларини ва мусулмон ўқув юртларининг вакилларини алоҳида назорат остида сақлаб туриш зарур.

Чунки улар конуний ташкилотлардан четда ўз холига ташлаб куйилганлиги учун доимий назорат килиш имкони йўқ. Янги тартиб-конунлар оркасида уларнинг факат жамиятдаги мавкеига эмас, балки вакф ерларидан олинадиган даромадларининг кискартирилиши туфайли иктисодий манфаатларига ҳам путур етказилди».

Рус ҳукумати, биринчи навбатда, дин пешволарини энг хавфли душман ҳисоблаб, уларни имкони борида «бурчакка кисиб» куйишга ҳаракат қилди. Руслар козилик ва оксоқоллик мансабдаги кишиларни ҳам «гаҳ деса кўлга кўнадиган» тарзда ушлаш учун арзимаган бахоналар билан жазолаб турди. Масалан, вабо касали муносабати билан 25 кози ва муфти эски кабристонларни бузмасликни сўраб ариза ёзганларида, улардан бир нечаси лавозимларидан четлатилди. Шундан кейин бир гуруҳ нуфузли кишилар норозилик хати ёздилар. «Хонлар вақтида, — дейилган унда, — козилар шариат конунларини билганликлари учун мукофотланганлар. Аммо халойик козиларнинг бекордан бекорга лавозим-ларидан бушатирилганлигини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид ишларни қилмаганлар».

Харбий губернатор А.А. Абрамов кўзголон кўтарилишидан кўркиб, агар тартибсизликлар рўй берса, у вақтда козилар Сибирга сургун этилажагини очикдан-очик маълум қилади. Айни бир пайтда Кўкон уёздининг бошлиги, агар дин пешволари тартибсизликларда қатнашсалар, мадрасаларнинг ёпилишини ва вакф ер-лари тамоман давлат ихтиёрига ўтказилишини билдирди.

Козиларнинг шикоятлари бўйича имзо чекканлардан 10 дан ортиқ киши ҳибсга олинди. Шу биргина шикоятга қарши кўрилган чора Кўкон халқининг норозилигини уйғотиб, оломон тўплана бошлади. Натижада хавфли вазият юзага келиб, кўзголон чиқиши аён бўлиб қолди. Бундан қўчиб кетган губернатор козиларни ва 8 нафар элликбошини қамокдан озод этишга мажбур бўлди. Кози мулла Ашурни шикоятнинг ташаббусчиси сифатида Сибирга сургунга жўнатмоқчи эди, аммо вазиятнинг кескинлашиши оқибатида бекор қилинди.

Рус маъмуриятининг маҳаллий амалдорларга нисбатан зўравонлиги туфайли уларнинг орасидан халқ галаёнларига хайрихоҳлар чиққан эди. Чунончи, уларнинг айрим вакиллари 80-йиллари мустақилликни тиклаш учун қурашаётган гуруҳларнинг қатнашчиларига меҳрибонлик қурсатганлар. Масалан, 1885 йили Навқат бўлисининг бошлиги Содик Қулматов ва Бозорқургон бўлисининг қатта оксоқоли Мулла Қалон Отанаев «кўзголон қатнашчиларини берқитганлари» учун ўз вазифаларидан олинган. Маҳаллий маъмурият вакилларининг кўзголончиларга хайрихоҳлигини вилоят харбий губернатори ҳам таъкидлаган: «(Кўзголон бошлиги Дарвишхонни) кўлга тушира олмаганлигимизнинг сабаби аҳолининг ва маҳаллий маъмурият вакилларининг ёрдам қилмаётганликларидандир. Маҳаллий амалдорлар ўзларининг ҳаракатсизликларини никоқлаш учун турли асоссиз бахоналарни тарқатиш билан шугулланмоқдалар».

Айниқса, хонлик вақтида мансаб ва имтиёзларга эга бўлган, лекин «руслар қелганидан кейин улардан маҳрум этилган» кишилар қор ҳукуматига қарши турганлар.

Ўлка генерал-губернатори А.Вревскийнинг сўзига қараганда, улар осойишталик қуналари жим юрганлар, лекин янги солиқлар қолинганда ёки ҳукумат қандайдир қораларни қўрмоқчи бўлган қўзларда аҳолини кўзголон кўтаришга даъват этганлар.

Шундай қилиб, мустамлақачилик сиёсати бир томондан халқ ҳаётининг оғирлашишига, иккинчидан, маҳаллий юқори табақа вакилларининг манфаатларига зарба беришга олиб

келган. Бу хол халкка ҳам, юкори табака вакиллариининг илгор кисмига ҳам умумий душ-ман — чоризмга карши бирлашишга замин хозирлади. Бу ерда мустикаллик ва озодлик учун кураш туйгулари мухим ўрин тутди, халкнинг барча тоифалариининг бир екадан бош чиқаришига олиб келди.

Жамият маънавий ҳаётининг асосий йўналтирувчи кучи бўлмиш ислом динининг камситилиши ва унинг моддий асосларининг чеклаб қўйилиши дин пешволарининг ҳам бош кўтаришига олиб келди. Асрлар мо-байнида ҳукм суриб келган ислом динининг «гайридин» асирига айланиб қолиши кўзголовнинг энт мухим омилларидан бири бўлди. Айниқса, намоз вақтида рус императори номига мажбурий суратда хутба ўқитилиши ачинарли хол эди. Бинобарин, «газот» шиорининг юзага келиши табиий холдир. Шу равишда ватан ва дин озодлиги учун кураш бир-бири билан узвий боғланиб, умуммиллат ҳаракати сифатида гавдаланади.

1898 йил кўзголови Андижон уёздига қарашли Мингтепа, Тожик, Қашқар сингари қишлоқлардан бошланди. Бу жойларда Муҳаммадали Халфа Собир ўғли (1856—1898) энг обрўли дин пешвоси ҳисобланган. Ўнинг отаси пахтани қигитдан ажратадиган ҳалажи ва йиг, яъни дуг, бешиқ ясайдиган ҳунар эгаси эди. Демак, Муҳаммадали ҳунарманд оиласида дунегга келиб, вояга етган. У Дукчи Эшон деб аталган. Эшон деб номланишига шу сабаб бўлганки, у ўзининг истеъдоди ва сергайратлиги туфайли қишлоғидаги Султонхонтўра Эшонга шогирд тушиб, юксак диний унвонга сазовор бўлган. Дукчи Эшон мол-мулк тўғғлашга берилмай, назр ва совғага келтирилган барча бойликларни қашшоқларга сарфлади. Чунончи, ҳар қуни белгилаб қўйилган жойда юзлаб қишлоқларга тўкин овқат тайёрланган.

Дукчи Эшон рус ҳукумати томонидан олиб борилаётган мустамлақачилик сиёсатини, миллий зулм ва диннинг сиқиб қўйилганлигининг жонли гувоҳи бўлди. У халқ дардини ва норозилигини яхши англаган ўз Ватанига содиқ қиши эди. Умуман айтганда, Дукчи Эшон огир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароит орқасида бир парча еридан ҳам маҳрум этилган дехқонлар, шаҳар қамбағаллари учун умид ва ишонч рамзига айланган. Буни яхши англаган Дукчи Эшон халкнинг озодлик курашига бош-қош бўлишни ўз зиммасига олди. У она юртининг мустикаллиги ва озодлигини тиклашни муқаддас бурч деб билди. У кўзголов кўтариш учун айрим тайёргарлик ишларини амалга ошириб борди. Биринчи навбатда, «чақирик қозғалари» битилиб, ишончли қамоқларга тарқатилди. Бунда Фарғона вилоятида истиқомат қилаётган барча туб аҳоли вакиллари, ҳусусан, ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар Мингтепага тақлиф этилди. Бундан ташқари, халққа қарата мурожаатнома қабўл қилиниб, муқулмонларни қофирлардан ҳалос этиш Дукчи Эшон зиммасига тушганлиги билдирилган ва барча муқулмонлар ёрдамга қачирилган. Мурожаатномага қуйидаги нуфузли қишлоқ имзо чекқанлар:

1. Мулла Аҳмад нойиб Мулла Мирза ўғли.
2. Хайитбой Тўқсабо.
3. Орзиқулбой Понсод.
4. Умарбек додхон.
5. Ботир Мингбоши.
6. Соттибой Мирза.

7. Ботир Мингбоши Нормат ўгли.
8. Мухаммад Иброхим Тўксабо.
9. Мулла Гойибназар Ортик ўгли.
10. Алибек Додхох ва бошқалар.

Улар орасида бир кози ва унинг ерданчиси, икки бўлиш бошлиғи, 7 кишлоқ оксоқоли ва Кулин бўлиши-нинг уч нуфузли кишиси бор эди. Мурожаатномага жами 14 киши имзо чеккан. Чакирик қозғолидан ташқари, айрим режалар ҳам тузилган. Чунончи, кўзголов галаба қилган тақдирда Дукчи Эшоннинг 14 ёшли жиёни Абдулазиз хонлик тахтига ўтқазилиши лозим эди.

Дукчи Эшон атрофидаги ишончли кишилар Туркиянинг ёрдами ва мавқеидан фойдаланиш ниятида Султон Абдулхамид II (1876—1909) номига хат юборадилар. Аммо бу хат ўз эгасига бориб етмайди. Дукчи Эшонга турк султониинг қалбаки жавоб хатини ва совғасини тақдим этганлар ва Дукчи Эшонни унинг асслигига ишонтиришган. Амалда Туркия билан алоқа ўрнатилмаган ва бунга имконият ҳам йўқ эди. 1898 йили «Рус инвалиди»нинг ёзишича, Абдулжалилхўжа деган киши Қашқардан қелиб, Дукчи Эшонга гўё «турк султони томонидан юборилган хат ва тунни» топширган эмиш, лекин унинг ҳақиқатлиги тасдиқланмаган. Ўша йили 14 июнда Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиғи Н. Белявскийнинг билдиришича, «Турк султонида ҳеч нарса олинмаган». Абдужалилхўжанинг Қашқарга борганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқланмади. 1899 йили Россиянинг Қашқардаги бош консули Н.Петровский гарчанд Абдужалилхўжа шахси билан таниш бўлса-да, лекин унинг Қашқарда топилмаганлигини Туркистон генерал-губернаторига билдирган.

Бундан ташқари, унинг Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғига юборган хатида шундай дейилган: «Дукчи Эшонга юборилган хат султон фармони эмас, балки хати иршоддир, яъни сўфийлик таълимоти бўйича ўзини қутқаришнинг тўғри йўли қимга мерос бўлиб қолганлиги ҳақидаги гувоҳномадир. Хўжжат, шўхасиз, сохта, сабаби — Султон пайғамбар нойиби сифатида суфийликда бўла олмайд. Чунки сўфийлик билан муроса қилинади, лекин тан олинмайди. Султоннинг ҳеч қимдан, ҳеч қандай эшондан (муршиддан) хати иршод олган бўлиши мумкин эмас». Шу равишда хат ва совға Турк султонида тегишли эканлиги исботланмади. Бу масала билан шугулланган бир муаллиф ҳам «кўзголовда мусулмон давлатларининг вакиллари катнашганлиги исботланмади», — деб ёзган.

1898 йили генерал-лейтенант Королков ўзининг ҳисоботида кўзголовнинг сабабларига тўхтаб, Дукчи Эшоннинг Туркия билан алоқада бўлмаганлигини исботлади. У Туркиянинг ўлкадаги халққа таъсир этувчи қучини қуйидагича тасаввур этган: «Қейинги вақтларда ўлкада бирон мақсад ва хўжжатга эга бўлмаган Туркия фуқаролари пайдо бўлди. Шунингдек, Туркиядан туркларнинг қўноқлар устидан қозғолини улўғловчи Қонстантинопол қитоблари қелтирилмоқда. Ниҳоят, қўриқиб турибдики, Дукчи Эшон исени қўтарилишида Қонстантинополнинг таъсири тўғридан-тўғри бўлмаган бўлса-да, лекин унга қийин доирада бўлган».

Биобарин, кўзголов Туркиянинг бевосита таъсири остида қўтарилганлиги ҳақидаги фикрлар тахминлардан иборат эди, ҳолос. Аслида, олдинги саҳифаларда қўрсатилганидек, кўзголов оғир шароитнинг махсули ҳисобланиши билан бирга, асрлар оша давом этиб қелаётган аҳлоқ-одобнинг издан қийиб бориши ҳам сабаб бўлган. Бу ҳусусда И.И. Королковнинг ҳисоботида қелтирилган, Дукчи Эшоннинг теровда айтган

сўзлари диккатга сазовордир. «Мадали Эшоннинг ўзининг сўзича, — дейилган хисоботда, — уни халкнинг одоб-ахлоки бузилаётганлиги хамиша тинчсизлантириб келган. Гарчи бундай хол Кўкон хонлигининг кейинги йилларида бошланган бўлса-да, лекин бунинг учун у худонинг амри билан халокатга учради. Руслар ўлкани урушиб олганидан кейин эса ахвол янада ёмонлашди. Одоб-ахлоқнинг бузилиши фохишалик, ичкиликбозлик, киморбозлик ва оила заифлашишининг кучайишида ўз аксини топди. Умуман, одамлар орасида шариат талаб-ларига зид ишлар килиш зўраймокда. Гарчанд рус маъмурияти халк билан хушмуомала бўлса-да, лекин закот ва вакф ташкилотларини йўқотди ва Маккага хажга боришни тақиқлади. Айни бир пайтда у халк таълим-тарбиясига эътибор бермади. Эшон бу номаъкулчиликни гўё турк султониغا ёзиб, ундан ўртага тушишни ва ҳаётни шариат асосида юргизишни Рус давлатидан сўрашини илтимос этган эмиш. Бу билан Эшон рус давлатини худонинг қаҳр-газабидан холи қилмокчи бўлган эмиш».

Афтидан, терговчи рус маъмурияти вакиллари марказий ҳукумат олдида кўзголон учун жавобгарликдан қутқазиш ва унинг сиёсий йўналишини бўяш мақсади-да Эшоннинг сўзларига маъмуриятни мактовчи сўзларни киритган. Буни Эшоннинг рус тилини билмаслиги туфайли килиш ҳеч гап эмас эди. Тергов ҳужжатларида ҳам Дукчи Эшоннинг «халк рус ҳукумати томонидан ҳеч қандай сиқувларни кўрмади, норозиликнинг танҳо сабаби вакф ерларининг давлат кўлига ўтишида», деган кўрсатмаси мавжуд. Вахоланки, кўзголончилар Дукчи Эшон бошчилигида кофирлар ҳукмронлигини ағда-ришни англатувчи «газот» шиори билан ҳаракат қилган эдилар. Бу ҳақда ҳарбий прокурор Долинскийнинг Дукчи Эшон хусусидаги қораловчи фикри ҳам далолат беради: «Дукчи Эшон улқада рус ҳукмронлигини ағдариш мақсадида қишлоқ ва шаҳар аҳолисини қурол билан бош қўтаришга отлантирди».

А. Эгамназаровнинг Мусо Туркистонийнинг асаридан олган маълумотиға кўра, 1898 йил 16 майда кечқурун бир минг киши қатнашувида қенгаш ўтқазилиб, Дукчи Эшон халққа қарата мурожаат қилган: «Эй, мухтарам мусулмонлар! Эй, биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматни Оллоҳ таоло ўзи биладур, кофирларни мусаллат қилди, юртимизга урус қелди. Худоерхон ўрнига Кауфман, Умархон тахтига Черняев утирди. Фаргона хонлиги ерида Масков хонлиги — оқ подшо ҳукмрон бўлди. Урус Ватанимизни истило этди, сўнгра тилимизга истило қилди. Аста-секин динимизга истило қилмокка бошлади. Биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Уруснинг қелганига 30 йил тўлмай, мусулмонлар рибоға айланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қози-ларимиз бўйнига бут такадиган бўлди. Хулоса (шулки), шариатимиз хор, мусулмончилик қариб бўлди. Хуррия-тимиз қойиб қудди, истиклолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз қесмас бўлдиқ.

Эй воҳ...

Оқ подшонинг номидан янги фармон қелди, Николайни, яъни бир ўруснинг номини жума намоз хутбасида хутбага қушиб ўқилсин, деб, ва яна қўчирма сиёсати ила Ватанимизга мужикларни ерлаштиради, ҳар тарафни тўнғиззор қилди. Қубони Федченко, Маргилонни Горчаков, Симни Искобилиф, Бағдодни Серова, Қонибодомни Милников деб, ҳамма шаҳарлари-мизга бирор ўрус генералининг исмини тақди. Ҳар шаҳарда, ҳар қишлоққа бутхоналарнинг қўнғирогининг қаранг-журунғ овози қўпайди. Банка деган бир рибоҳона қурилди, динимизда йўқ судхўрлик, ҳаромлик ривож топди. Ҳамманинг қапқуми бўлгонди, ҳар шаҳарда янги шаҳар деган қисқхона қилди, қисқнинг ҳамма нави

хазирланди. Мусулмонларни йўлдан оздирди. Ак-сар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконлари-га, ошхоналарга, киморхоналарга муштарий бўлди, фоҳишахоналарга ўрганди, мусулмонларнинг ахлоки бузилди».

Мазкур Ватанга содиклик туйғулари билан сугорилган сатрлар шу даражада асосли ва еркин равишда ифода этилганки, изохлашга ҳожат йўқ. Улар кўзголовдан асосий мақсад Ватан ва дин озодлигини таъминлашдан иборат бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди. Уларда барчага тушунарли оддий сўзлар билан Туркистон ўлкасининг бошига тушган миллий зулм ва, умуман, мисли кўрилмаган фожеалар ўз ифодасини топган. Улкада руслаштириш сиёсатига қарши норозилик билдирилган.

«Эй, мусулмонлар!» — деб сўзида давом этган Дукчи Эшон, — бўларга ўзимиз сабаб бўлдик. Бу холимизга Оллох таоло ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумиятга ҳеч ким рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй, биродарлар, тек тураверсак, бу кофир яна баттар килур! Вой, бизнинг холимизга!

Тарихда ўтган муаззам бир салтанат кургон қахрамон пахлавонлар авлодимиз — бу зиллатга ҳеч қандай зирух чидамас. Қани, биздаги шижоат, қани, аждодда-римиздаги басолат, сизларга нима бўлди? Мухаммад динида 400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Мухаммад. Ҳаммаси ханафий мазҳабдур. Бир исмда, бир мазҳабда, бир қаб-ристонда бу қадар олимлари Туркистонни дини тақдимда, дин одамларини етиштиришда на даражада хизматлари сабақат этганлиги ўқувчилар диққатига арз ўландур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмагондур. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, баҳодур, эй, биродарлар, бизлар шундоқ аждоднинг набираларимиз».

Дукчи Эшон ўзбеклар жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк Туркистоннинг фарзандлари эканликларини эслатиб ўтиш билан бирга, уларни чор ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг ҳар жи-хатдан орқага кетганликларини ва жамиятда бузилиш содир бўлаётганини уқтириб ўтган. Дукчи Эшон уз нут-қини давом эттириб, яна дейдики: «Эй, мусулмонлар, эй, худонинг бандалари, эй, пайгамбар уммати! Чин мўмин бўлсангизлар, сизларга жиход лозимдур, жиход эътиқод, Оллох йўлида жиход қиламиз, ўлсак шаҳид, ўлдирсак қозий бўламиз, жиход қилмагунча елкамизга минган бу рўдапо ўрусдан қутулиш йўқ.

Эй мўминлар, кўзингизни очинг! Гафлатдан бедор бўлинг! Кофирлардан ҳуқуқимизни олайлик! Эй биродарлар, ҳурриятимизни олайлик, ўз Ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик. Бунинг учун биздан гайрат истайдур, ҳиммат истайдур, жиход истайдур, фийсабиллох, жиход вақти келди». Демак, Дукчи Эшон халқ ҳуқуқларини, ҳурриятни, яъни озодлик ва мустақилликни тиклаб, миллий давлат қуриш учун қурашга даъват этди. Мазкур сўзлар ҳазрати Дукчи Эшон оғзидан қаранглаганда қенгашдаги ҳалойик Ватан ва дин учун қонларини ҳам, молларини ҳам қидо этажакларини бир оғзидан изҳор этдилар.

Дукчи Эшоннинг қиши қалбини тўлкинлантириб, она-юрт озодлиги учун қурашга отлантирувчи қушқин ва қанговар сўзлари қамоа ақлини оёққа турғизди. Чунки унинг сўзлари эзилиб ва қўрланиб етган халқининг қурағидаги қардини ва қиқрларини тўла ифода этарди.

Дукчи Эшон ва унинг сақдошлари амалга ошириладиган қаракатлар қуқуқсида айрим қежаларни белғилаган эдилар. Бунга қўра, бир вақтда Қарғилонда Иноятқон Тўра ва Ўшда Умарбек Қодқоҳ бошқилиғида қўзғолон қўтарилиб, қарбий қисмларга қуқум

килиниши лозим эди. Дукчи Эшоннинг ўзи эса, Андижон шаҳридаги жангга бошчилик этадиган бўлди. Нихоят, 1898 йил 17 майда кеч соат 8 да Мингтепада Дукчи Эшон раҳбарлигида кўзголов кутарилиб, оломон Андижон шаҳри томон йўл олди. У ок от минган холда Кутчи, Баргон, Коракўргон, Окчи, Кулла, Чиговул, Хаканд, Работ, Дархон, Сарикўй, Кўкча сингари кишлокларни босиб ўтди. Бу ерларда одамлар кўзголовчиларга қўшилди. Улар орасида Сусамир ва Норин бўлисларидан келган киргизлар ҳам бор эди. Улар Андижон шаҳрига яқинлашганларида Маргилондан Иноятхон Тура бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар келиб қўшилдилар. Чунки етарли даражада куч тўпланмаслиги орқасида Иноятхон Тўра Маргилонда кўзголов кўтаришга эришолмади.

Кўзголовчилар йўлда айрим золим маҳаллий амалдорларни жазолашга ҳаракат қилдилар. Фаргона вилояти ҳарбий прокурорининг кўрсатишича, кўзголовчилар Кулла бўлисининг қозиси Мулла Йулдошни ўлдириш учун уйига бостириб кирганлар, лекин у қочишга улгурган эди. Шундан кейин оломон қозининг уйини талон-тарож қилади. Дукчи Эшон минг пиёда ва минг отлик оломон билан шаҳар ҳарбий гарнизонига ҳужум қилди. Бу ердаги жангни Андижон ҳарбий гарнизонининг бошлиги Михайлов қуйидаги тарзда таърифлайди: «Дўнг кишлоғи томонидан маҳаллий аҳолининг 1,5-2 мингга яқин оломони тўла соқинлик вазиятида лагерга кириб келди. Олдинда отликлар, улар олдида пиёдалар ҳаракат қилди. Улар 20-Туркистон асосий мунтазам батальони 4-ротасининг 42-взводи жангчилари эгаллаган барак ёнига келиб, дархол камал қилишди. Ичкарига ҳар томондан бостириб кириб, ухлаб етган ҳарбийларни «Ур, ур», деб қалтаклаб, сўя бошладилар. Маҳаллий кишиларни биринчи бўлиб баракнинг ўнг қанотида турган днeвалний, ротанинг оддий аскарлари Тютин кўрди. У бениҳоя қаттиқ овоз билан бақирди ва ўша захоти ўлдирилди. Нариги қанотдаги днeвалний, оддий аскар Масленников, шунингдек, 4-рота навбатчиси Жернов ва 2-рота бўйича навбатчи бу ваҳима содир бўлишидан олдин 3-взводда лампа ёруғида қитоб ўқиб ўтирган унтер-офицер Степанов бақирганини эшитгач, бор овозлари билан: «Туринглар! Куролланинглар!» дейишди. Маҳаллий кишилар эса ҳар томондан сакраб тушиб, бир зумда бутун баракни эгаллашди. 4-рота бўйича навбатчи ва днeвалний ўша захоти ўлдирилди, икки рота бўйича навбатчи миясидан ва елкасидан бир неча қалтак еб, орқага, 5-ротага қочди. Ўрнидан туриб қўлига курол олишга улгурган оддий аскарлар ҳам 5-рота томонга ўтишга ҳаракат қилишди. Милтик найзаси ва қўндоғи билан ўзига йўл очган унтер-офицер Степанов 5-рота биносига кириб бақирди: «Петка, одамларни уйгот, бизникиларни сўйишяпти». Шундан кейин бирин-кетин уйгонган солдатлар куролланиб, кўзголовчиларга қарши жанг қилдилар. Қилич, ханжар, сўйил, болта билан куролланган кўзголовчилар ҳимояга ўта бошладилар. Уларнинг қўлида ўлжага олинган тўппонча ва милтик билан куролланган кишилар бўлиб, душманга қарши ўқ узиб турдилар. «Барак олдидаги майдон очилганда,— дейди Михайлов,— ҳарбийлар баракдан 15 қадам нарида турган муллани қўришди. У қўлида Куръон ушлаб, шам ёруғида кўзини қўкка тикканича нималарнидир ўқирди. Унинг ёнида қизил ва оқ рангдаги нишон ушлаган ўнга яқин кишилар турарди. Уларнинг ҳаммаси қўлда тўппонча билан аскарларга қарши ўқ узишарди. Аскарларимиз бу кишиларнинг барчасини ўша захотиёқ отиб ўлдиришди. Маҳаллий кишилар ўлган ва ярадор бўлган шерикларини олиб, жуда тез чёқинишди. Аскарларимиз патрон етишмаётганлиги сабабли уларни таъқиб қилолмадилар». Шунга ўхшаш маълумотни Н. Веселовский ҳам баён этади: «Бир маҳал сартлар (ўзбеклар) чекина бошлашди. Лекин байроқ атрофида бир тудаси қимирламай турарди. Мулла қўк байроқ остида қаланд овозда Куръон ўқир, чеқинишни истамас эди. Унинг

ёнида баланд бўйли йигит байрок кўтариб турарди. Шунда аскар отган ўк муллани кулатди. Байрокдор унинг ўлигини кўлтиклаб олди, аммо у ҳам ўлдирилди. Аскарлар сартларни найза ва кўндокдар билан уришди. Улар эса, ўз куроллари ва бизнинг куроллар билан химоя қилишди, аммо муваффақият қозониша олмади».

Шу тарзда шиддатли жанглардан сўнг солдатлар голиб келиб, кўзголончилардан кўп киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Бундай бўлиши табиий ҳол эди. Негаки, гарнизондаги яхши куролланган 111 кишидан иборат мунтазам кўшинга асосан болта, ханжар ва бошқа оддий нарсалар билан куролланган оломоннинг бас қилиши жуда қийин эди. Шунга карамай, кўзголончилар қахрамонона жанг қилиб, 22 солдатни ўлдирдилар, 24 кишини жароҳатладилар. Н. Веселовскийнинг айтишича, жанг майдонида кўзголончилардан 15 кишининг ўлиги қолган. Улар кўп ўлик ва ярадорларни олиб қетганлар ва яширганлар.

1898 йил 19 майда Фаргона вилояти ҳарбий губернатори қушин билан Андижонга етиб келди. Шундан кейин Андижон уезди бўйлаб жазо отрядлари кезиб, кўзголонга дахлдор қишлоқлар қалтакланди ва қибсга олинди. Шахсан унинг ўзи Андижон қамқонасида етган кўзголон қатнашчиларини тепкилаб ураверди, оқибатда икки киши қидай олмади ўлди ва бир неча киши қаттиқ жароҳатланди. Кўзголоннинг таъсир доираси бутун ўлкани, айниқса, Фаргона водийсини қамлаб олди. Кўзголонда Мингтепа, Асака, Қоратепачи, Қува, Шаҳрихон, Навқат, Оқбура, Булоқбоши, Аравон, Сегазин, Ичкилин, Ёзевон, Яққатут, Қогот, Қусамир, Қенгқўл Қорагир ва Қаканд сингари Андижон, Наманган ва Ўш уездларига қарашли бўлишларнинг аҳолиси фаол қатнашдилар.

Кўзголон қатнашчиларидан мингга яқин киши Андижон ва Ёттисув атрофидаги тоғларда яшириндилар. Улар андижонликлар томонидан озик-овқат билан таъминланиб турилган. Кўзголон қатнашчиларидан жами 777 киши қибсга олиниб, тергов қилинди. Кўп қишлоқлар қалтаклашлар ва қийноқларга қидолмасдан қамқоналарда ўлдилар.

Терговдан кейин 415 киши суд қилинди, улардан 32 киши оқланди ва 380 киши ўлим қазосига ҳукм этилди. Бир киши умрбод қамқон қазосига ва уч киши тарбиявий лагерга қортилди. Императорнинг «қарамати» билан ўлимга қамқон этилган 380 кишидан 18 нафари (бошқа бир қамқонотга қўра 21 киши) қибсга ўлдирилди. Қолган 362 киши турли қазолар билан алмаштирилди: 3 киши умрбод қамқонга, 147 киши 20 йилга, 41 киши 15 йилга, 1 киши 13 йилга, 1 киши 8 йилга, 47 киши 7 йилга, 4 киши 4 йилга, 15 киши Сибирга қургун қилишга ва 3 ёш болалар тарбиявий қамқонга ҳукм этилдилар.

Суд Қутчи, Тожик ва Қашқар қишлоқларидан тўб аҳолини қўчириб, уларнинг қонадонларини ер билан қамқон қилиб, ўрнига рус қосёлқаларини бунёд этиш ҳақида ҳукм қиларди. Бундан ташқари, рус қамқонияти Мингтепа ва Андижон шаҳри оралигидаги кўзголончиларга қўшилган 29 қишлоқни йўқ қилиб ташлаш ҳақидаги масалани қўтарганлар. Оқибатда Қаканд бўлисидаги 5 қишлоқ бузиб ташланиб, 700 қонадон йўқ қилинган.

1898 йил 12 июн қуни қисли қўрилмаган ваҳшийлик ва қожеа қодир бўлди. Андижон шаҳрида қажбурий суратда аҳоли, жумладан болалар тўпланиб, уларнинг ҳузурида Дукчи Эшон, Қойибназар Ортиқхўжа ўғли, Субқонқул Арабқоев, Қустамбек Сотиболдиев, Мирза Қамдам Ўсмонқоев ва Бўтабой Қонқоев сингари кўзголоннинг қирик вақиллари қорға қосилиб, шу ерга қўмилди ва тўқислаб юборилди. Бу қудхис воқеанинг қувохи бўлиб турган болаларнинг орасида қўркувдан ҳушидан қетганлари ва қардга қалинганлари бўлди. Қалқ кўз ўнгида кўзголончиларнинг қўқ ва қизил байроқлари ёндирилди. Рус ҳуқумати кўзголончиларни қаттиқ қазолаш билан бирга, Тожик, Қашқар

ва Кутчи кишлокларидаги барча хонадонларни бузиб ташлаб, 680 оила Какир деган даштга хайдади. Уларнинг ҳаммасини кириб ташлаш ёки ўлкадан сургун қилиш ҳақидаги таклифлар айтилган эди. Аммо императорнинг «марҳамати» билан уларга ўша даштда ўрнашишга рухсат берилди. Шунинг учун улар ўрнашган жойларни Марҳамат дейиш одат тусига кириб кетди.

Тожик, Қашқар ва Кутчи кишлокларидаги унумдор ерларда эса, Россиядан кўчириб келтирилган 200 рус оиласи ўрнаштирилди.

Шу тарзда кўзголов катнашчилари жонидан ҳам, мол-мулкидан ҳам маҳрум этилди. «Қакирга зўрлаб кўчирилган юзлаб кишилар, — дейди гувоҳлардан бири, — 2-3 йил мобайнида жуда кўп азоб-уқубатлар ва қийинчиликларни бошдан кечирдилар. Улар гоётада машаққатли меҳнат эвазига сунъий сугориш тармоқлари, уй-жойлар ва боғларни янгидан бунёд этдилар. Эндиликда Какир боғу бўстонга айланган. Бироқ кекса кишиларга раҳминг келади. Чунки улар қадимдан ота-боболари дафн этилган ва ўзлари тугилиб усган жойларни эзилиб юракларида саклайдилар. Мен уларнинг юзларидаги ғам-ғуссани кўрдим, бахтсиз ва ҳўрланган ҳолати сезилиб турибди. Менинг саволларимга улар хурсиниб унчалик хоҳиш билдирмай жавоб берардилар. Уларнинг ҳаммаси 732 киши, ҳар бир оилага бир десятинадан ортиқ ер вақтинчалик фойдаланиш учун берилган эди... Улар кўп вақтдан буён азоб-уқубат тортаётганликларини ва нахотки, бўларнинг ниҳоясига етмаслиги ҳақида нолиб гапирдилар. Мен кекса ёшларнинг кўлларини кўкракларига қўйиб таъзим қилганларини ва бошларидаги оқ сочлари титраётганини кўрдим».

Чор ҳукумати кўзголов натижасида ҳалок бўлган солдатларнинг оиласи ва бошқа зиён кўрган кишиларга молиявий ёрдам ташкил қилди: ўз даври учун катта маблағ ҳисобланган. 16.095 сўм хайрия пули тўпланди. Бухоро хони 1600 сўм юборган эди. Бу маблағлар тегишли кишиларга тарқатилди. Ёрдам пули кўзголов катнашчиларининг мол-мулкини мусодара этиш ҳисобига тўлдирилиб борилди.

Ғарчанд кўзголов тор-мор этилган бўлса-да, лекин у ўзбек, қирғиз ва бошқа туб аҳоли вакиллариининг мустиқлик ва озодлик учун олиб борган қаҳрамонона курашларининг энг ёркин намунаси сифатида тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилди. Унинг энг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, кўзголовчилар, биринчи навбатда, мустиқлака сиёсати ва миллий зулмнинг қосбони бўлмиш ҳарбий ғарнизонни йўқ қилишни мақсад этиб қўйди. Халқ ғалаёнлари тарихида бундай шиддатли ва қамолотга етган ҳаракат қамдан-қам учрайдиган ҳолдир. Шунинг учун ҳам Андижон кўзголови рус ҳукуматиини ларзага солиб, кўп ташвишлантирган, ваҳшийларча жазолашга отлантирган.

Қамина Сибир архивларида кўп йиллар мобайнида маълумотлар тўплаш билан шугулланганман. Мана шу иш жараёнида узок Тоболскдаги қамокхонада умрлари қиритилган 1898 йил кўзголови катнашчиларига доир айрим ҳужжатларни қўлга қиритган эдим. Буларга қўра, ўша қамокхонада қуйидаги кўзголов катнашчилари ушлаб турилган:

1. Боев Қасоли Исмойил (33 ешда).
2. Қазнаев Султонқул уста (27 ешда).
3. Неъматуллаев Мулла Иззатулла (36 ешда).
4. Қолвонов Мадрайм Қозий (38 ешда).
5. Абдуқодиров Абдусаттор (26 ешда).
6. Тожибоев Йўлдошбой (23 ёшда).
7. Тошматов Аҳмадали (23 ешда).

Камокхона хужжатида кўрсатилган кишилар «За участие в бунте против правительства», яъни ҳукуматга қарши исёнда қатнашганликлари учун жазоланганлиги уқтириб ўтилган. Улар энг хавфли кишилар сифатида ниятда қаттиқ назорат ва оғир шароитда ушлаб турилганлиги, шунингдек, маҳбусларга берилган ўлим ҳукми узок қаторгага алмаштирилганлиги ҳам қайд этилган.

Мен Тоболскда бўлганимда ўша қамоқхонанинг мудҳиш қиёфасини кўриб азиз ватандошларимнинг озодлик учун жонларини қидо этганларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Ҳамид Зиёев